

**“Hududgazta’minot” AJ**  
**Акциядорлар умумий йиғилиши**  
**томонидан**  
**2025 йил 28 августдаги 1-сон**  
**баённомасига**  
**ИЛОВА**

**APPENDIX 1**  
**JSC “Hududgazta’minot”**  
**ANNEX**  
**to the Minutes No. 1 of the General Meeting of**  
**Shareholders**  
**dated August 28, 2025**

**“HUDUDGAZTA’MINOT”**  
**AKSIYADORLIK JAMIYATI KUZATUV**  
**KENGASHI TЎҒRISIDA GI**  
**NIZOM**

**“HUDUDGAZTA’MINOT”**  
**JOINT-STOCK COMPANY**  
**REGULATION ON THE SUPERVISORY**  
**BOARD**

**(Янги тахрирда)**

**(Updated Edition)**

**I. Умумий қондалар**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда – Қонун), “Hududgazta’minot” AJ (кейинги ўринларда – Жамият) Устави ва Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сон йиғилиши баённомаси билан тасдиқланган (11.02.2016 й. 02-02/1-187-сон) Корпоратив бошқарув кодекси асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом акциядорлик жамиятининг кузатув кенгашини (кейинги ўринларда – кузатув кенгаши) ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш тартиби, унинг аъзоларини сайлаш тартиби, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгиловчи нормаларини ўз ичига олади.

1.3. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширади, Қонун ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилиши мутлоқ ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

1.4. Кузатув кенгаши ўз фаолиятида Қонун, Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари, Жамият Устави, мазкур Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қилади.

1.5. Жамият кузатув кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг ўрта муддатли ва узок муддатли ривожланиш стратегиясининг амалга оширилишини таъминлаш;

- Жамият Ижроия органи (Бошқарув) фаолияти ва Жамиятнинг йиллик (қисқа муддатли) бизнес-режалари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- Жамият ахборотининг ошкоралигини, Жамият тўғрисидаги очик маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва объективлигини таъминлаш ҳамда

**I. General Provisions**

1.1. This Regulation is developed based on the Law of the Republic of Uzbekistan on 'Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights' (hereinafter referred to as the Law), the Charter of 'Hududgaztaminot' JSC (hereinafter referred to as the Company), and the Corporate Governance Code approved by the minutes of the Commission for Improving the Effectiveness of Joint Stock Companies and Corporate Governance System dated December 31, 2015 (No. 9), registered on February 11, 2016 (0202/1-187).

1.2. This Regulation includes the procedures for establishing and operating the Supervisory Board of the joint stock company (hereinafter referred to as the Supervisory Board), the election procedures for its members, as well as the norms defining their rights, obligations, and responsibilities.

1.3. The Supervisory Board carries out the overall management of the Company's activities, except for matters that fall under the exclusive authority of the shareholders' general meeting as defined by the Law and the Company's Charter.

1.4. The Supervisory Board shall operate in accordance with the Law, the Corporate Governance Code recommendations, the Company's Charter, these Regulations, and other internal documents of the Company.

1.5. The main tasks of the Company's Supervisory Board are as follows:

- ensuring the implementation of the Company's medium-term and long-term development strategy;

- monitoring the activities of the Company's Executive Body (Management) and the execution of the Company's annual (short-term) business plans;

- ensuring the transparency of the Company's information and the completeness, reliability, and objectivity of publicly available information about the Company, as well as

Жамиятнинг ахборот сиёсатини амалга оширилишини назорат қилиш;

- Жамиятнинг ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимининг ташкил этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- Жамият дивиденд сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш;

- Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

1.6. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Қонунга ва Жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 7 (етти) кишидан иборат бўлган жами овоз билан уч йил муддатга сайланади.

1.7. Кузатув кенгашининг аъзолари ва котибига ўзларининг вазифаларини бажариш даврида кузатув кенгашининг функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун компенсация тўловлари ва / ёки ҳақ тўланиши мумкин.

## **II. Кузатув кенгашининг ваколати**

2.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколатига қуйидагилар киради:

2.1.1. Жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Жамият ижроия органи ҳисоботини мунтазам эшитиб бориш билан Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш. Зарур ҳолларда, Жамиятнинг ривожланиш режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва уларда кўрсатилган мақсадларга эришишни назорат қилиш бўйича мутахассисларнинг жалб этилиши;

2.1.2. Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мустасно;

2.1.3. акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

2.1.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши санасини, вақтини ва жойини белгилаш;

2.1.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини аниқлаш;

overseeing the implementation of the Company's information policy;

- monitoring the establishment of the Company's internal control and risk management system;

- ensuring the implementation of the Company's dividend policy and regulating conflicts of interest;

- protecting the rights and legitimate interests of the Company's shareholders.

1.6. Members of the Company's Supervisory Board shall be elected by the General Meeting of Shareholders for a term of three years by a total vote of seven (7) persons in accordance with the Law and the Company's Charter.

1.7. Members of the Supervisory Board and the Secretary may receive compensation payments and/or remuneration to cover expenses related to the performance of the functions of Supervisory Board during the period of their duties.

## **II. Competence of the Supervisory Board**

2.1. The competence of the Supervisory Board of the Company includes:

2.1.1. regularly reviewing reports from the Company's executive body regarding measures taken to achieve the development strategy, and defining the priority areas of the Company's activities. If necessary, engaging specialists to organize the development of the Company's plans and to monitor the achievement of the specified objectives.

2.1.2. calling the annual and extraordinary general meetings of shareholders, except in cases specified by law;

2.1.3. preparing the agenda for the shareholders' general meeting;

2.1.4. setting the date, time, and location of the shareholders' general meeting;

2.1.5. determining the date for forming the register of the Company's shareholders to notify them about the holding of the general meeting;

2.1.6. акциядорлар умумий йиғилишига қарор қабул қилиниши учун Жамият Уставининг 7.3-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган масалаларни киритиш;

2.1.7. мол-мулкнинг бозор қийматини аниқланишини ташкил этиш;

2.1.8. Жамият Устав капиталини кўпайтириш масалалари ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек улар билан боғлиқ ҳужжатларни (акциялар чиқарилиши тўғрисида қарорни ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;

2.1.9. илгари рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш;

2.1.10. аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматлари учун тўловнинг чегаравий миқдори аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган йиллик молиявий ҳисоботларни аудитдан ўтказиш ишларни мувофиқлаштириш;

2.1.11. акцияларни жойлаштириш нархларини белгилаш (биржа бозори ва унга алоқадор биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар чиқарилиши);

2.1.12. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Шу билан бирга, Жамиятнинг келгуси йилга режалаштирилган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

2.1.13. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертация қилинадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.14. ҳосилавий қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.15. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.16. Жамият ижроия органи аъзоларини лавозимга тайинлаш (бошқарув раиси бундан мустасно), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

2.1.17. Жамиятнинг ижро органига тўланадиган мукофотлар (ҳақ) ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек, уларнинг

2.1.6. including the issues specified in the second paragraph of Clause 7.3 of the Company's Charter for decision-making at the shareholders' general meeting;

2.1.7. organizing the determination of the market value of assets;

2.1.8. making decisions regarding the increase of the Company's charter capital and introducing relevant amendments to the Company's Charter, as well as approving related documents (the resolution on the issuance of shares and the prospectus).

2.1.9. making amendments to the issuance of previously registered securities;

2.1.10. deciding on the conduct of an audit, selecting the auditing organization, and determining the maximum payment amount for its services. Coordinating the audit of annual financial statements prepared in accordance with international accounting standards.

2.1.11. setting the stock placement prices for shares (issuance of securities on the stock market and the issue of securities in the associated over-the-counter market);

2.1.12. approving the Company's annual business plan, ensuring that the planned business plan for the following year is approved no later than December 1 of the current year;

2.1.13. making decisions regarding the issuance of corporate bonds by the Company, including bonds that can be converted into shares;

2.1.14. making decisions regarding the issuance of derivative securities;

2.1.15. making decisions regarding the repurchase of the Company's corporate bonds;

2.1.16. appointing members of the Company's executive body (excluding the Chairman of the Management) and terminating their powers ahead of schedule;

2.1.17. determining the remuneration (fees) and/or compensations payable to the Company's executive body, as well as their

энг юқори миқдорларини белгилаш, бунда тўловларнинг амалга оширилишини тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари асосида ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда белгиланадиган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини бажарилишига боғлаш;

2.1.18. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи низомни тасдиқлаш;

2.1.19. Жамият ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, Ички аудит тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек унинг чораклик ҳисоботларини эшитиш;

2.1.20. Жамият Ижроия органи фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатларга кириш ва уларни кузатув кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун бошқарувдан олиш. Олинган ҳужжатлар кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан хизмат мақсадларида фойдаланилиши мумкин;

2.1.21. акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уни тўлаш тартиби тўғрисида тавсиялар бериш;

2.1.22. қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш (Жамият кузатув кенгашининг яқдилликка эришилмаган ҳолларида, йирик битим тузиш масаласи кузатув кенгаши қарорига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига олиб чиқилиши мумкин);

2.1.23. мулкни бегоналаштириш, мулкни сотиш (реализация) шакллари ва механизмлари, Жамият ва унинг таркибидаги корхоналарнинг учинчи шахсларга киритадиган инвестициялар бўйича (битимлар, шартномалар, меморандумлар ва бошқалар) мажбурий тарзда кузатув кенгаши билан келишилгандан сўнг тузилади.

2.1.24. Жамиятнинг захира ва бошқа маблағларидан фойдаланиш;

2.1.25. қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

maximum amounts, linking these payments to the achievement of key performance indicators established in accordance with relevant decrees and resolutions of the President of Uzbekistan and government decisions;

2.1.18. appointing a corporate advisor and approving the regulations governing their activities;

2.1.19. establishing the Company's internal audit service, appointing its staff, approving the Regulation on Internal Audit, and reviewing its quarterly reports;

2.1.20. accessing any documents related to the activities of the Company's Executive Body and obtaining them for the performance of the tasks assigned to the Supervisory Board. The acquired documents may be used by the Supervisory Board and its members for official purposes;

2.1.21. providing recommendations on the number of dividends on shares and the procedure for their payment;

2.1.22. making decisions regarding the conclusion of significant transactions in cases provided by law (if the Supervisory Board cannot reach a consensus, the issue of significant transactions may be brought to the discussion of the shareholders' general meeting based on the decision of the Supervisory Board);

2.1.23. the disposal of property, the forms and mechanisms of property sales, and investments made by the Company and its enterprises in third parties (contracts, agreements, memoranda, etc.) must be executed after mandatory approval by the Supervisory Board;

2.1.24. Using the Company's reserves and other funds;

2.1.25. making decisions regarding the conclusion of contracts with the Company's affiliated persons in cases provided by law;

2.1.26. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш ҳамда уларни тугатиш;

2.1.27. Жамиятнинг шўба ва қарам корхоналарини яратиш;

2.1.28. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларда иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;

2.1.29. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини қонунчилик талабларига мувофиқ ишлаб чиқиш, жорий этиш ва доимий равишда баҳолаш ишларини мувофиқлаштириш;

2.1.30. барча акциядорларга маълумот берган ҳолда фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият Устави ва қонунчиликда белгиланган доирада хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (қабул қилиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда ушбу ёрдамни кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.31. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уни ўтказиш учун мустақил ташкилот ва унинг хизматлари учун тўловнинг максимал миқдорини танлов асосида аниқлаш;

2.1.32. ҳар чорақда камида бир марта куйидагиларни кўриб чиқади:

ижроия органининг ва ички назорат органларининг ҳисоботи, жумладан Жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисобот;

таркибий бўлинмалар фаолияти тўғрисидаги ҳисобот.

2.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатига қонунчиликка, Жамият Уставига ва Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва ваколатларини тугатиш.**

3.1. Жамият кузатув кенгаши аъзолари қонун ва Жамият Устаविда белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий

2.1.26. establishing branches and opening representative offices of the Company, as well as closing them;

2.1.27. establishing the Company's subsidiaries and dependent enterprises;

2.1.28. entering into contracts related to the Company's participation in commercial and noncommercial organizations;

2.1.29. developing, implementing, and continuously evaluating the Company's organizational structure in accordance with legal requirements;

2.1.30. establishing the procedures and conditions for providing (receiving) charitable (sponsorship) or gratuitous assistance, within the scope defined by the shareholders' general meeting, the Company's Charter, and legislation, with prior notification to all shareholders, and making decisions regarding the provision of such assistance;

2.1.31. making decisions regarding the assessment of the Company's corporate governance system, selecting an independent organization for this purpose, and determining the maximum amount for its services based on a competitive selection process;

2.1.32. reviewing the following at least once per quarter:

reports from the executive body and internal control bodies, including reports on purchases made by the Company;

reports on the activities of structural divisions.

2.2. The competence of the Company's Supervisory Board may also include other issues resolved in accordance with legislation, the Company's Charter, and the Corporate Governance Code.

Matters included within the scope of the Supervisory Board's competence cannot be delegated to the Company's executive body for resolution.

### **III. Election, appointment, and termination of the powers of the Supervisory Board members.**

3.1. Members of the Company's Supervisory Board shall be elected by the general meeting of shareholders for a term of three years in accordance with the law and the

йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

3.2. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган ҳолда қайта сайланиши мумкин.

3.3. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзолари Жамият кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.4. Жамият кузатув кенгаши аъзолари бўлиб, ушбу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлайдиган шахслар сайланиши мумкин эмас.

3.5. Кузатув кенгашининг миқдорий таркибига ва Жамият кузатув кенгашига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар Жамият Уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарор билан белгиланиши мумкин.

Жамият кузатув кенгаши таркибига жинси, ирки, этник келиб чиқиши, миллати, келиб чиқиш мамлакати, маданий келиб чиқиши, ёши ва ногиронлиги бўлганлигидан қатъий назар бошқарув, илмий тадқиқотлар ва консалтинг фаолияти билан шуғулланган ёки тажрибасига эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда акциядорлар Корпоратив кодексининг кенгаш таркибига камида иккита мустақил аъзони киритиш тўғрисидаги тавсияларига амал қиладилар.

3.6. Жамият кузатув кенгаши таркибидаги аъзолари сони Жамият Уставида белгиланади ва 7 (етти) кишидан иборат.

3.7. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.8. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни битта номзодга тўлиқ бериш ёки уларни икки ёки ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга.

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш жараёнида акциядорлар номзодларнинг профессионал хусусиятларига, масалан, малакавий тайёргарлиги, бошқарув

procedures established in the Company's Charter.

3.2. Elected individuals may be re-elected to the composition of the Company's Supervisory Board without limitation.

3.3. The head and members of the Company's executive body may not be elected to the Supervisory Board.

3.4. Individuals employed under a labor contract with the Company may not be elected as members of the Supervisory Board.

3.5. The quantitative composition of the Supervisory Board and the requirements for candidates may be defined in the Company's Charter or by a decision approved by the general meeting of shareholders.

Individuals with experience or involvement in management, scientific research, or consulting activities may be appointed to the composition of the Public Oversight Council, regardless of their gender, race, ethnic origin, nationality, country of origin, cultural background, age, or disability.

In electing members of the Supervisory Board, shareholders shall adhere to the Corporate Governance Code's recommendations to include at least two independent members.

3.6. The number of members in the Supervisory Board shall be specified in the Company's Charter and shall consist of seven (7) individuals.

3.7. The election of members to the Company's Supervisory Board shall be conducted through cumulative voting.

3.8. In cumulative voting, the votes attributed to each shareholder are multiplied by the number of candidates to be elected to the Supervisory Board. Shareholders have the right to allocate their votes entirely to a single candidate or distribute them among two or more candidates.

During the election process, shareholders should consider the professional qualifications of the candidates, such as their qualifications, experience in management bodies, and

органларида иш тажрибаси, корпоратив бошқарув соҳасидаги билимлари, шу жумладан, корпоратив бошқарувчининг

3.9. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган ҳисобланадилар.

3.10. Кузатув кенгаши аъзолари Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолари бўла олмайдилар.

3.11. Агар кузатув кенгашининг аъзоси унинг таркибдан чиқиб кетган ҳолда, қолган аъзоларнинг ваколатлари тугатилмайди, фақат кузатув кенгаши аъзоларининг сони Уставда кўзда тутилган сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлган ҳоллар бундан мустасно.

3.12. Кузатув кенгашининг вафот этган, ўз ваколатларидан ихтиёрий равишда воз кечган, шунингдек бошқа сабабларга кўра ўз вазифаларини бажара олмайдиган аъзолари чиқиб кетган деб ҳисобланадилар.

3.13. Кузатув кенгаши аъзолари, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолларда кузатув кенгаши аъзоси вафот этган санадан бошлаб, кузатув кенгаши раисига кузатув кенгаши аъзосининг ваколатлари ўз ихтиёри билан тўхтатиш тўғрисидаги аризаси келиб тушган кундан кейинги кундан эътиборан ёки кузатув кенгаши аъзоси ўз ваколатларини амалга ошириш учун кодир эмаслиги тасдиқловчи ҳужжатлар Жамият томонидан қабул қилинган кундан бошлаб, кузатув кенгашидан чиқиб кетган деб эътироф этилади.

3.14. Кузатув кенгаши аъзолари белгиланган мезонлар бўйича танлов асосида сайланади.

Кузатув кенгашининг таркибини шакллантириш мезонларига соҳага оид билимларга эга бўлиш, стратегик режалаштириш, молиявий ва корпоратив бошқарув бўйича тажрибаси ва бошқа кўникмалар киради.

#### **IV. Кузатув кенгашининг раиси**

4.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши раиси, агар Жамиятнинг Уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг аъзолари орасидан кузатув кенгаши

knowledge in the field of corporate governance, including that of corporate governance specialists.

3.9. Candidates who receive the most votes shall be considered elected to the composition of the Company's Supervisory Board.

3.10. Members of the Supervisory Board may not serve as members of the Company's Audit Commission.

3.11. If a member of the Supervisory Board leaves, the remaining members' competence shall not be terminated, except in cases where the number of members falls below seventy-five percent of the number specified in the Charter.

3.12. Members of the Supervisory Board shall be considered to have vacated their positions if they pass away, voluntarily resign from their competence, or are unable to perform their duties for other reasons.

3.13. Members of the Supervisory Board shall be recognized as having vacated their positions from the day of their death, or from the day following the receipt of their application for voluntary resignation by the Chairman of the Supervisory Board, or from the day the Company accepts documents confirming that a member is unable to perform their duties.

3.14. Members of the Supervisory Board are elected based on established criteria through a selection process.

The criteria for forming the composition of the Supervisory Board include expertise in the relevant field, experience in strategic planning, financial and corporate governance, and other skills.

#### **IV. Chairman of the Supervisory Board**

4.1. The Chairman of the Company's Supervisory Board shall be elected by the members of the Supervisory Board from among themselves by a majority vote of the total number of members, unless otherwise provided in the Company's Charter.

аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан сайланади.

4.2. Кузатув кенгаши, агар Жамият Уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонининг кўпчилиги овози билан ўз раисини қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

4.3. Жамият кузатув кенгаши раиси унинг фаолиятини ташкил қилади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил қилади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади, агар Жамият Уставида бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса.

4.4. Жамият кузатув кенгаши раиси бўлмаган ҳолларда унинг вазифалари кузатув кенгашининг аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

4.5. Жамият кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши томонидан ваколатланган шахс Жамият номидан Жамият бошқаруви аъзолари билан шартномаларни имзолайди.

## **V. Кузатув кенгашининг мажлиси**

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан ўзининг ташаббуси билан, кузатув кенгаши аъзоси, Жамиятнинг ижроия органи, Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эга бўлган акциядори (акциядорлари) ёки Уставада белгиланган бошқа шахсларнинг талабига биноан чақирилади.

5.2. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси Жамият кузатув кенгаши аъзоси, бошқаруви, Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эга бўлган акциядори (акциядорлари) ёки Уставада белгиланган бошқа шахслар томонидан ёзма талабнома топширилган санадан ўн кун ичида ўтказилиши керак, агар белгиланган муддатда Жамият кузатув кенгаши мажлиси ўтказилмаса, талабнома киритган шахсга кузатув кенгаши мажлисини ўтказишдан бош тортиш ҳақида асосланган жавоб юборилади.

Кузатув кенгаши чоракда камида бир марта ўтказиладиган мажлисларида ижроия органининг ҳисоботини,

4.2. Unless otherwise provided by the Charter of the Company, the Supervisory Board has the right to re-elect its Chairman by a majority vote of the total number of Supervisory Board members.

4.3. The Chairman of the Supervisory Board of the Company organizes its activities, convenes and presides over the meetings of the Supervisory Board, ensures that minutes are taken at the meetings, and presides over the General Meeting of Shareholders, unless otherwise stipulated by the Charter of the Company.

4.4. In the absence of the Chairman of the Supervisory Board, his duties are performed by one of the members of the Supervisory Board.

4.5. The Chairman of the Supervisory Board or a person authorized by the Supervisory Board signs contracts with members of the Company's Management on behalf of the Company.

## **V. Meeting of the Supervisory Board**

5.1. A meeting of the Supervisory Board of the Company is convened at the initiative of the Chairman of the Supervisory Board, at the request of a member of the Supervisory Board, the executive body of the Company, a shareholder (or shareholders) owning at least one percent of the Company's voting shares, or other persons specified in the Charter.

5.2. A meeting of the Supervisory Board of the Company must be held within ten days from the date a written request is submitted by a member of the Supervisory Board, the management, a shareholder (or shareholders) owning at least one percent of the Company's voting shares, or other persons specified in the Charter. If the meeting is not held within the specified period, a reasoned response declining to hold the meeting will be sent to the requesting party.

The Supervisory Board must hear the report of the executive body at least once per quarter, including via video conference and electronic voting.

шу жумладан видеоселектор ва электрон овоз бериш орқали эшитади.

Ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабномада, мажлис кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритилишининг сабаблари билан бирга кўрсатилиши керак.

Агар кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабнома акциядордан (акциядорлардан) келиб тушган бўлса, унда мажлис ўтказилишини талаб этган акциядор (акциядорлар)нинг исми (номи) бўлиши керак, эгалик қилувчи акцияларнинг сони ва турини кўрсатилиб, талабнома акциядорнинг (акциядорларнинг) Депо ҳисобварағидан талабнома тақдим этилган санадан бошлаб Жамият акцияларининг белгиланган фоизига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи кўчирма, шунингдек, талабномага жавоб жўнатилиши керак бўлган манзил кўрсатилган бўлиши керак.

Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш талабномаси кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилишини талаб қилган шахс (лар) томонидан имзоланади.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг талабномасига кўра кузатув кенгашининг мажлисини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

- кузатув кенгашининг ўтказилишини талаб этган (акциядорлар) талабнома тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг 1%га эгалик қилмайди;

- кун тартибига киритиш учун таклиф қилинаётган масалаларнинг ҳеч бири Жамият кузатув кенгаши ваколатига кирмайди;

- кун тартибига киритилиши таклиф этилаётган масала, Қонун талабларига жавоб бермайди.

Жамият кузатув кенгашининг йиғилиш ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори судда шикоят қилиниши мумкин.

The meetings of the Supervisory Board regarding the hearing of the executive body's report may not be held by remote voting (polling) in any quarter.

The request to convene a meeting of the Supervisory Board must include the issues to be added to the agenda, along with the reasons for their inclusion.

If the request to convene a meeting comes from a shareholder (or shareholders), it must include the name(s) of the requesting shareholder(s), the number and type of shares owned, and an official copy confirming the right to ownership of the specified percentage of the Company's shares from the date the request is submitted. Additionally, the address for sending a response to the request must be indicated.

The request to convene a meeting of the Supervisory Board must be signed by the person(s) requesting the meeting.

A decision to refuse to convene a meeting of the Supervisory Board may be made in the following cases according to the request of the persons mentioned above:

- the shareholder(s) requesting the meeting do not own at least one percent of the Company's voting shares on the date the request is submitted;

- none of the proposed issues for the agenda fall within the authority of the Supervisory Board of the Company;

- the proposed agenda item does not comply with legal requirements.

The decision of the Supervisory Board to refuse to convene a meeting may be appealed in court.

5.3. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Уставида белгиланади ва у Жамият кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Агар мажлис кунида Жамиятда кузатув кенгашининг аъзоси Ўзбекистонда бўлмаса, Жамият кузатув кенгашининг раиси уни мажлисда видеоконференцалоқа орқали иштирок этиши ташаббусини билдириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда, кворумни белгилашда йиғилишда видеоконференцалоқа орқали иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзолари ҳисобга олинади.

5.4. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлисидаги қарорлар, агар Қонунда ва Жамият Уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлис иштирокчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамиятнинг кузатув кенгаши мажлисида масалаларни ҳал қилишда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Агар кузатув кенгаши қарор қабул қилганда кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлса, Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

Қарорларни асосли ва самарали қабул қилишни таъминлаш мақсадида, кузатув кенгашининг раиси тегишли масалалар бўйича, шу жумладан низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича вақтинча ва доимий қўмиталарни (ишчи гуруҳларни)

5.3. The quorum required for holding a meeting of the Supervisory Board of the Company is determined by the Charter of the Company and must be no less than seventy-five percent of the total number of elected members of the Supervisory Board.

